ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ШАРАФЛИ МЕҲНАТИГА ОЛИЙ БАҲО!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев республикамиз меҳнаткашларини олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажарганликлари билан қизғин табриклади

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 275 (16.661). | 24 ноябрь 1976 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Н. М. МАТЧОНОВга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўртоқ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВга

Ўзбекистон колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини, тайёрлов ва транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, ўқув юртлари коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини меҳнатда эришилган катта ғалаба — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан чин қалбдан табриклайман.

Узбек пахтакорлари ўнинчи беш йилликни яхши бошладилар. Колхоз ва совхозлар мўл ҳосил етиштирганликлари, пахта харид қилиш юзасидан белгиланган ҳажмини ошириб бажарганликлари, давлатга 5 миллион 300 минг тонна пахта сотганликлари тўғрисидаги хабарни бутун совет халқи шубҳасиз зўр мамнуният билан кутиб олади. Бу — партия XXV съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш ёқимлики, республика колхоз ва совхозлари пахта етиштиришни кўпайтира бориб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини муваффақиятли ривожлантирмоқдалар. Бу йил давлатга ғалла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди. Ватан омборларига бир миллион тоннадан кўпроқ дон етказиб берилди, бу эса умумий харид қилиш ҳажмидан анча ортиқдир. Давлатга кўп миқдорда сабзавот, картошка, мева, узум, полиз маҳсулотлари сотилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган бу ютуқлар — республикадаги барча меҳнаткашларнинг қизғин, фидокорона иши натижаси, партиямиз аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, механизаторлар, мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарлари маҳорати ўсганлигининг натижаси, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тайёрлов органлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар якунидир.

КПСС Марказий Комитети Узбекистон пахтакорлари қўлга киритилган ютуқлар билан кифояланиб қолмай, суғориладиган деҳқончиликнинг талайгина резервларидан, фан ютуқларидан фойдаланиб, пахта, дон, айниқса маккажўхори ва шоли, мева, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун курашаверадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Азиз ўртоқлар, сизларга КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишда янгидан-янги меҳнат зафарлари тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами билан мўл пахта ҳосили етиштирдилар, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, рекорд ҳосил йиғиштириб, давлатга пахта сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажардилар. Ватан омборларига 5 миллион 300 минг тонна пахта етказиб берилди, бу эса бутун 1975 йилда топширилган пахта миқдоридан 287 минг тонна кўпдир. Пахтанинг 80 процентидан кўпроғи биринчи сортларга сотилди. Пахтанинг ингичка толали навларидан 235 минг тонна топширилди.

Пахтакорлар бу меҳнат ғалабасига қаттиқ ва машаққатли кураш туфайли эришдилар. Ҳосил тўплашнинг масъулиятли даврида узоқ вақт давомида 40—45 даражали жазирама иссиқ бўлиб турди, бу эса ҳосил элементларининг тўкилишига олиб келди ва бир қанча районларда ғўзаларнинг ўрта ярусида ҳосил бўлмади. Йиғим-терим мавсуми даврида табиат янги қийинчиликларни вужудга келтирди. Жала қуйди, ҳарорат кескин пасайиб 10—15 даражагача совуқ бўлиб, тез-тез кор ёғиб турди.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари улкан пахта хирмони учун олиб борган қаттиқ курашда доимо КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг катта ёрдами ва мададини олиб турдилар.

Пахтакорлар қаҳрамонона меҳнатлари, юксак маҳоратлари ва ҳар бир далада ишни аниқ-пухта ташкил этганликлари туфайли мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30 центнер пахта териб олинди.

Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Хоразм областларининг колхоз ва совхозлари ҳар гектар ердан 32-34 центнер пахта териб олдилар. Беруний, Ленин, Избоскан, Жиззах, Шаҳрисабз, Денов, Шўрчи, Юқори Чирчиқ ва республикадаги кўпгина бошқа районларнинг пахтакорлари гектаридан 35-40 центнер, Тўрткўл, Пахтачи, Қуйи Чирчиқ районларининг пахтакорлари эса 40 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олдилар, Тўрткўл районидаги «Москва», Беруний районидаги Навоий номли, Пастдарғом районидаги К. Маркс номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа», Янгийўл районидаги «Коммунизм», Ленинград районидаги Энгельс номли, Шаҳрисабз районидаги «Партия XX съезди» колхозларида гектаридан 47-55 центнер пахта йиғиштириб олинди. Пойтахт Тошкент ва Сурхондарё областларининг, Қорақалпоғистон АССР, Қўриқ Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд областларининг деҳқонлари давлатга пахта сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини биринчи бўлиб бажардилар.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили улкан пахта хирмони учун умумхалқ курашига республиканинг ҳамма областлари муносиб ҳисса қўшдилар. Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозлари давлатга 371 минг тонна, Андижон области 604 минг тонна, Фарғона области 533 минг тонна, Самарқанд области 539 минг тонна, Сурхондарё области 479 минг тонна, Бухоро области 477 минг тонна, Тошкент области 443 минг тонна, Қашқадарё области 435 минг тонна, Наманган области 404 минг тонна, Хоразм области 374 минг тонна, Сирдарё области 334 минг тонна, Жиззах области 290 минг тонна пахта сотди.

Давлатга пахта сотиш давом этмоқда.

Республиканинг катта пахта хирмони учун курашда механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар машинада биринчи марта икки миллион 900 минг тонна «оқ олтин», яъни жами ҳосилнинг 55 процентини териб бердилар. Пахта териш техникасидан оммавий равишда фойдаланилганлиги, ҳосил терими ва уни топшириш поток усулида ташкил этилганлиги туфайли кўпчилик колхоз ва совхозлар ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, пахта тайёрлашнинг юксак суръатларига эришдилар. Теримнинг долзарб пайтларида республикада кунлик пахта топшириш 170 минг тоннага етиб, йиллик планга нисбатан уч процентдан ҳам ошиб кетди.

Тошкент областида ҳосилнинг 77 проценти, Сирдарё областида 76 проценти, Жиззах областида 70 проценти машинада терилди. Бу областларда кунлик пахта топшириш 5-6 процентгача етди. Оқолтин, Мирзачўл, Бўка, Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларининг колхоз ва совхозлари механизмлар ёрдамида ҳосил териш салмоғини 85-92 процентга етказдилар ва ундан ҳам ошириб юбордилар.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

23 ноябрь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми ўз ишини бошлади. Пленум ишида шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ «КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидаги қоидалар ва хулосаларни бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Пленумда Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. АҲМЕДОВнинг «1976 — 1980 йилларда Узбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани тўғрисида ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ҳақида» ва Узбекистон ССР молия министри В. МУРОДХУЖАЕВнинг «Узбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Узбекистон ССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладлари ҳам тингланди.

Музокараларда Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. КАМОЛОВ, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. РАҲИМОВ, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. КАРИМОВ, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти В. Р. ПОДВИГИН, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. ҒОЙИБОВ, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХУЖАЕВ, Узбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С. М. МАМАРАСУЛОВ, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. ХАЙДУРОВ, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. ШАМСИДДИНОВ, Узбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Х. М. НОСИРОВ, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тошкентдаги «Малика» бирлашмасининг тикувчи-мотористи Л. В. ФИАКТИСТОВА, Узбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. ҲАМИДОВ, Самарқанд шойи тўқиш фабрикасининг ишчиси Г. К. ВИХЛЯЕВА ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Докладчилар ва сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидаги қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллаб, КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўйиш учун интилаётган меҳнаткашларнинг сиёсий ва ишлаб чиқариш активлиги ғоят жўш урганлиги тўғрисида гапирдилар.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВ Н. ЧАУШЕСКУ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

22 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг РКП Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти Н. Чаушеску билан биринчи суҳбати бўлди.

Н. Чаушеску ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бухарестга келишини қизғин табриклаб, унинг визити ҳар икки партия ва давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Л. И. Брежнев Руминия пойтахти — Бухарест аҳолиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси вакилларини дўстона кутиб олганлиги учун самимий миннатдорчилик билдирди. Бу дўстона кутиб олишни, деди Л. И. Брежнев, румин халқининг Совет Иттифоқи халқларига қардошлик ҳиссиётининг самимий намоён бўлиши деб биламиз.

Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ўртоқлар суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи масалалар юзасидан фикрлашиб олишга киришдилар.

Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ўртоқларнинг учрашуви самимий, ўртоқларча вазиятида ўтди. (ТАСС).

ЮГОСЛАВИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

22 ноябрда Кремлнинг Съездлар саройида СССРда Югославия Социалистик Федератив Республикаси халқлари ва элатларининг маданияти кунлари тантанали равишда бошланди.

СССР маданият министрининг ўринбосари В. И. Попов маданият кунлари очилиши маросимида шу кунларнинг программаси тўғрисида гапирди.

Шундан кейин катта концерт бўлди.

Зўр муваффақият билан ўтган концертда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитети секретари М. В. Зимянин ҳозир бўлдилар. ЮСФРнинг СССРдаги элчиси Й. Смоле ҳам шу ерда эди.

(ТАСС).

ТУҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси 24 ноябрь куни соат 15 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари шу бинода соат 13 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун 14 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида ўтказилади.

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

(Боши биринчи бетда).

Пахта териш машиналарининг минглаб механик-ҳайдовчилари техникадан юксак унум билан фойдаланиш учун мусобақалашиб, мавсум давомида ҳар бир машина ҳисобига 250-300 тонна, илгор механизаторлар эса, 400-500 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта тердилар, Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари — Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозидан Ҳакимбой Йўлдошев, Избоскан районининг «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Валижон Қорабоев, Бўз районининг «Партия XX съезди» колхозидан Абдуфаттоҳ Солиев, Ромитан районининг «Ромитан» совхозидан Аҳмад Ҳамроев, Дўстлик районининг Ленин номли совхозидан Тўлан Дадажонов, Ульянов районининг «Узбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхозидан Ойқиз Раҳимбердиева, Норин районининг «Коммунизм» колхозидан Тўхтасин Жақанов, Нарпай районининг Ислом шоир номли совхозидан Усмон Мамадиёров, Ленин йўли районининг Будённий номли совхозидан Холмўмин Сафаров, Оқолтин районининг «Фарғона» совхозидан Ҳазрат Пирматов, Чиноз районининг Киров номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва бошқалар пахта териш техникасидан самарали фойдаланиш учун олиб борилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилдилар.

Юқори малакали механизаторлар тайёрлашда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Узбекистон комсомоли номига 1975 йилда йўллаган табрикномаси жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Юқори баҳодан руҳланган партия, совет, комсомол, хўжалик органлари механизатор кадрлар тайёрлашга кўп эътибор бермоқдалар ва шу йил республикада яна юз мингдан кўпроқ механизатор тайёрланди, бу эса жамики мавжуд пахта териш техникасинидан юксак унумли фойдаланишга ёрдам берди.

Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари янги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақалашиб, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш да катта муваффақиятларга эришдилар.

Республика колхоз ва совхозлари Ватан омборларига бир миллион 25 минг тонна, яъни 1976 йил учун белгиланган умумий харид ҳажмидан 400 минг тонна зиёд ва илгари қабул қилинган мажбуриятдан 395 минг тонна кўп дон топширдилар. тайёрланган жами донинг 552 минг тоннаси буғдой ва арпа, 190 минг тоннаси маккажўхори, 275 минг тоннадан кўпроғи шолидан иборат. Қорақалпоғистон АССР ва ҳамма областлар ошириллган социалистик мажбуриятларни бажардилар. Қашқадарё областининг колхоз ва совхозлари энг кўп миқдорда — 172 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР — 165 минг тонна, Жиззах области — 140 минг тонна Самарқанд области — 127 минг тонна. Тошкент области — 106 минг тонна дон топширдилар. Барча хўжаликлар ўзларини юқори сифатли уруғлик билан тўла-тўкис таъминлаб олдилар ва давлатдан қарзга берилган уруғликни қайтариб топширдилар.

Давлатга дон сотиш давом этмоқда.

Деҳқончилик маданияти кўтарилганлиги ва фидокорона меҳнат натижасида республика ғаллакорлари донли экинлар ҳосилдорлигини анча оширишга эришдилар.

Республика маккажўхорикорлари янги муваффақиятларни қўлга киритдилар. Маккажўхорининг ўртача ҳосилдорлиги 115 минг гектар ернинг ҳар гектарида 62 центнерга етиб, бултургидан 8 центнер ошиб кетди. Самарқанд ва Қашқадарё областларининг хўжаликлари гектар бошига ўрта ҳисобда 70 центнер, Сурхондарё областининг хўжаликлари 65, Тошкент ва Андижон областларининг хўжаликлари 64 центнер маккажўхори донн олдилар. Кўпгина районлар ҳар гектар ерда 75—80 центнер, бир қанча хўжаликлар эса 85—100 центнер ҳосилдорликка эришдилар, ўнлаб маккажўхорикорлик бригадалари ҳосилдорлик жиҳатидан 100 центнерлик маррадан ўтиб кетдилар.

Бу йил шолиқорликни ривожлантиришда ва шу қимматли озиқ-овқат экинини етиштиришни кўпайтиришда янги қадам қўйилди. Шолининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнерга етди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Тошкент областларининг кўпгина шоликор хўжаликлари гектар бошига 60 центнер ва ундан ҳам кўпроқ шоли янчиб олдилар.

Республика колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия хўжалик активи кенгашидаги маслаҳатлари ва йўл-йўриқларига амал қилиб, 1977 йил ҳосили учун кузги дон экинлари майдонини кенгайтирмоқдалар. 810 минг гектарга, яъни бултургидан 130 минг гектар кўп ерга кузги дон уруғи ташланди. 1977 йилда дон етиштиришни 2,6 миллион тоннага, шу жумладан шоли етиштиришни 420 минг тоннага, маккажўхори етиштиришни бир мнллион тоннага етказишга қарор берилди. Шу кунларда колхоз ва совхозлар келгуси йилда дон экинларидан мўл ҳосил олиш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар.

Бу йил республика сабзаводчилари, полизчилари, боғдорлари, соҳибкорлари яхши меҳнат қилдилар. Колхоз ва совхозлар мева, сабзавот маҳсулотини йиғиштириб олиш ва тайёрлашни муваффақиятли тугалламоқдалар. Давлатга 2 миллион 330 минг тоннадан кўпроқ, яъни белгиланган топшириқдагидан 385 минг тонна знёд ва дастлабки мажбуриятдагидан 320 минг тонна ортиқ мева, сабзавот маҳсулоти сотилди. Қишда асраш учун ғамлаб қўйилган маҳсулот ҳам ҳисобга олинса, уч миллион тоннага яқин мева, сабзавот тайёрланди. Мева, сабзавот маҳсулотининг жами ҳажмидан давлатга 1 миллион 140 минг тонна сабзавот, 105 минг тонна картошка, 235 минг тонна ҳўл мева, 290 минг тонна узум, 550 минг тонна полиз маҳсулотлари сотилди. Бу йил республикада мева, сабзавот етиштириш биринчи марта тўрт миллион тоннага етади.

Умумиттифоқ фондига мева, сабзавот маҳсулотини етказиб бериш анча кўпайди. Мамлакатнинг саноат марказларига 700 минг тоннадан ортиқ сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум жўнатилди. Бу — белгиланган пландан 126 минг тонна кўпдир.

Республика пиллачилари йилни муваффақиятли якунладилар. Давлатга 27 минг тоннадан кўпроқ пилла топширилиб, план 120 процент бажарилди. Каноп топириш юзасидан белгиланган топшириқ ошириб бажарилди, 314 минг тонна каноп тайёрланди.

Республика хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни топшириқдан илдамроқ олиб бормоқдалар, гўшт, сут, тухум, жун харид қилиш йиллик планини бажардилар ва қўшимча топшириқ ҳисобга маҳсулот етказиб бермоқдалар.

Чорвачилик учун топшириқда белгиланганидан анча кўп хашак тайёрланди. Умуман республика бўйича пландаги 4 миллион тонна ўрнига 5,2 миллион тонна хашак, шу жумладан 2,3 миллион тонна сенаж тайёрланди, 3,3 миллион тонна силос бостирилди, 108 минг тонна витаминли ўт талқони тайёрлаб қўйилди.

Ем-хашак тайёрлаш давом этмоқда.

Бу йил республиканинг бутун тарихи давомида биринчи марта давлатга энг кўп миқдорда пахта, дон, мева, сабзавот, пилла, чорвачилик маҳсулотлари топширилди.

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини ривожлантиришдаги муваффақиятлар партия XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС аграр сиёсати масалалари юзасидан берган йўл-йўриқлари амалда татбиқ этилганлигининг натижасидир, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг партия ишлаб чиққан комплекс программаси амалга оширилаётганлигининг самарасидир. Республиканинг қишлоқ партия ташкилотлари пахта, дон, мева, сабзавот ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш давомида оммани партия XXV съезди қарорларини бажариш учун курашга сафарбар этиш қобилиятларини кўрсатдилар. совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари катта иш олиб бордилар.

Ҳосилни йиғиштириб олишда шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашлари, олий ўқув юртларининг студентлари ҳамда ўқувчилар колхоз ва совхозларга бебаҳо ёрдам бердилар.

Мамлакатдаги қардош республикалар доимий ёрдам ва мадад бериб турмаганларида, республика деҳқонлари бундай ғалабага эриша олмаган бўлур эдилар. Ўзбекистон колхозчилари, совхозларининг ишчилари, барча меҳнаткашлари республика қишлоқ хўжалигини техника, ўғит, гербицид, дефолиантлар билан, бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаб турган машинасозларга, химия саноати ходимларига, шунингдек граждан авиацияси учувчиларига, автотранспорт ва тайёрлаш ташкилотларининг ходимларига қизғин миннатдорчилик билдирадилар.

Ҳозир республикада қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш, келгуси йил ҳосили учун ҳамма агротехника тадбирларини юқори сифатли қилиб бажариш ҳамда чорва қишловини намунали ўтказиш ва шу тариқа Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини янги ютуқлар билан муносиб кутиб олиш, КПСС XXV съезди режаларини муваффақиятли амалга ошириб, Ватанни қувонтириш учун мусобақа кенгайиб бормоқда.



Улкан «оқ олтин» хирмонларимиз шундай юксалди.

ЗАФАР МУБОРАК

Бутун мамлакат ўзининг доврўғдор фарзандлари эришган меҳнат ғалабаларини олқишламоқда. Ана шу қутловлар орасида пахтакор шаънига айтилаётган қалб сўзлари алоҳида янграмоқда. Зотан, «оқ олтин» етиштирувчилар меҳнатининг машаққатини ҳамма яхши тушунади. Миллиард-миллиард чаноқлардан деҳқонларнинг олтин қўллари ва инсон ақл-заковати яратган механизмлар ёзрдамида осмонўпар хирмонлар яратилади.

Бу йил йиғим-терим мавсумида об-ҳаво шароити ноқулай келганлигини ҳаммамиз чуқур ҳис этиб, сизларнинг меҳнатларингизга, пахта фронти жангу жадалларидаги фидокорлигингизга ҳамнафас бўлиб турдик. Бутун республика меҳнат аҳли ўзини пахта фронтига сафарбар этиб, табиат билан буюк жангда ғолиб чиқди.

5.300.000 тонна! Бу моддий бойликдан қанчадан-қанча маҳсулот бунёдга нелкшини ҳисоблашнинг ўзи анча мушкул иш. Уни бунёд этиш эса ундан ҳам оғир. Шу боисдан бугун пахтакорлар эришган улкан ғалаба халқ наздида бағоят салворли туюлади.

Зафар муборак, хорманг энди, азиз пахтакорлар!

Н. ТАРАСОВ,
СССР Енгил саноат министри.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга шоли сотиш топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика Ҳурмат тахтасига ёзилсин:

Қўнғирот райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Абдиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Матчонов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Рамбергенов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Давлетёров;

Ленинобод райони — район партия комитетининг секретари, ўртоқ Қурбонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Полвонниёзов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Утебоев, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Жумамуратов;

Нукус райони— район партия комитетининг секретари ўртоқ Казбеков, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Жалолова, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нурумбетов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Нуратдинов;

Чимбой райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Жумамуротов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абибуллаева, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жондавлетов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Қурбонов;

Қораўзак райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Каньязов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Иноятов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жиемуратов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Алиев.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада, тўртинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, бешинчи устун — шу жумладан машинада.

ТОШКЕНТ	0,11	—	109,43	118,07
СУРХОНДАРЕ	0,26	0,17	106,49	114,04
САМАРҚАНД	0,27	0,24	105,57	103,90
ҚАШҚАДАРЁ	0,19	0,36	104,76	109,80
ҚҚАССР	0,31	0,09	104,57	98,61
ЖИЗЗАХ	0,14	0,18	103,59	101,60
АНДИЖОН	0,05	—	101,47	105,66
Фарғона	0,38	0,30	96,94	82,15
Сирдарё	0,35	0,03	96,75	102,48
Наманган	0,04	0,06	93,95	103,48
Бухоро	0,17	0,32	93,55	91,06
Хоразм	0,62	0,81	90,16	93,69
Республика бўйича:	0,24	0,20	100,42	102,25
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,40	—	92,91	—
Қашқадарё	0,27	—	92,51	—
Наманган	0,02	—	75,93	—
Бухоро	0,64	—	66,85	—
Республика бўйича:	0,38	—	90,76	—

ҲОРМА, ОНА РЕСПУБЛИКАМ!

Туроб ТЎЛА.

ПУБЛИЦИСТИКА

Она Республикам, саховатпешам, ошифта ва биллур, нафис ва назокатли водийлар Онаси, хушрўй ва зариф, маъсум ва маъсуд боғлар, серҳамият ва сермазмун, хайр-саховатли масканлар Онаизори, тилсим ва фусункор кунлар Онаси, фавқулодда ва ўхшаши йўқ фидойилар, саркардалар, мураббий ва мутафаккирлар Онаси! Тасарруфингда мўжизалар кашф этаётган, умринг бино бўлиб кўрмаганинг ва тасаввур эта олмаганинг қаҳрамонликлар қилаётган, жасорати ва ҳимматидан юрти нуфузи, шон-шавкати қалбларни ларзага солаётган янги одамлар, фидойилар Онаси! Сени шундай серзавқ кунларинг умри бўйи кўзи тўла кувонч ёшлари-ла севиб, ардоқлаб, куйлаб ўтган Ғафур Ғулом қалами ҳаққи, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода қалами ҳаққи, ҳорма, ҳорма, Она Республикам, саховатпешам! Устоз Ғафур Ғулом тирик бўлганида тағин бошлаган бўларди куйини: «Яна ёли таралур улоқларда толиқмас шер ўмров, темир туёқ аёғир қорабайирнинг» деб. Ойбек «Бир ўлкаки, тупроғида олтин қайнайди», Ҳамид Олимжон эса, «Водийларни яёв кезганда бир ажиб ҳис бор эди менда», деб бошларди мадҳингни.

Ҳорма, Она Республикам, саховатпешам! Олтин тарозу палласида, осмондай кенг, офтобдай заррин тарозу палласида келтирганинг Беш Миллион Уч Юз Минг аталмиш қутлуғ зафаринг муборак! Қуёш ва дарё дастёрларинг билмаганини билган ва билдирган фарзандларинг, марди майдонларинг сидқи-садоқат, меҳр-муҳаббат ва фидойилик ёғдулари-ла йўғириб олганинг дала ғолиблари бунёд этган Беш Миллион Уч Юз Минг тонна олтин саломинг муборак!

Ҳар сафар сенинг шундай тантанавор шодиёна лаҳзаларингда, тадбиркорлик ва жасорат табиат таъкидлаган қисмат қарорини бир пул қилади, сен фақат тадбир билан иш кўр, болагинам, деган доно сўзларингни эслайман, табиатнинг жони қайдалигини топиб олсанг бас, топиб олгунингча, ундан кейин иш сеники, деганларингни эслаб, бугунингга ҳасанўт ўқийман, идрокингга, файзи-фазилатингга, камоли садоқатингга!

Ҳар сафар шундай тантанавор шодиёна лаҳзаларингда Сен доим фахрлангучи фарзандларингга кўзим тушади, улар билан учрашган онларимни эслайман, эрта баҳор шудгоридами, ҳали мурғак ғўзалар қулоқларини совуқ урганидами, ёз таровати ё гармсел фалокатидами ва, ниҳоят, куз ҳарҳашаларидами... Ажойиб фарзандларинг бор. Ҳаммадан ҳам Мирзааҳмад Деҳқоновинг ҳайратга солади мени, Қўқон бўсағасидаги Энгельс номли колхозинг юртга машҳур раиси, сенинг ардоқли ўғлинг. Уни кўрсам, у билан суҳбат қилсам ҳар сафар сенинг у ҳақда айтганинг эсимга келади; «Эътиқод шундай қудратли идеалдирки, кишилар уни деб жонларини ҳам фидо қиладилар, Деҳқонов шунақа одам» деган эдинг. Эсингдами? Эсингда, албатта. Яхши одамларингни, эрка одамларингни ҳеч қачон эсингдан чиқармайсан, биламан. Ўтган йили ҳосилини йиғиб олиб, бу йилга тайёргарлик бошлаганида, унинг олдига бордим. Об-ҳавонинг жуда қутурган вақтида борган эканман, даладан топдим. Қурултойга келгуси йил ваъдасини айтиши керак эди. Бир сўзлик одам, биласан, айтганини қилади. Эндиги йили 5943 тонна режаси эди, сендан 7000 сўради, ваъда қилдинг! 1955 гектар пахта еридан 7000, 7400 тонна берди, 38 центнер эди марра, 42 дан берди, ҳаммасини биринчи сортга топширди. Кўклам да келдим, тағин нобон вақтда келиб қолибман, чигитини қайта экаётган экан, совуқ уриб кетипти, тағин сенинг олдингда эди, сен билан нималарнидир маслаҳатлашиб бўлиб, ҳамкасбларининг кўнглини тўқ қилди. Ғўзаси гуркираб ўсиб берди, парваришини сен айтгандай қилган эди, марраси етиб олди, чиройи очилди. Энди ёзда келдим, июнда, тағин фалокат устидан чиқдим, Қўқон шамоли ғўзаларини қип-ялангоч қилиб кетган эди, тағин сен билан мулоқотда кўрдим. Машқи ниҳоятда ёмон эди. Қаерда кўргансан ёзнинг деярли ярмида қайта эккан деҳқонми? У эмас-ди. У биларди, шунингдек сафдошлари мартдан ҳатто июлгача механизми ва уруғи билан дала бошидан нари кетмас эди, хушёр турарди, қаерини ўпириб кетса, шу ерини боғларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди, аммо тушкунликка тушмади, биларди, қаторида сен бор эдинг, Она Республикам, сен бор эдинг! У, тағин ютиб чиқди, тағин етиб олди маррага, вақт ва об-ҳаво билан бирга кетди! Яқинда, давлат планини бажарган куни етиб бордим, аммо тағин нохушлик устидан чиқдим, об-ҳаво тўнини тескари кийиб олипти, ёмғир қуйиб юборди, пахталари ёмғирда қолди, ҳамма дала шийпонига қочиб чиқди, у бўлса савалаб турган душманига қулоқ солмас, дала ўртасида тағин Сен билан сўзлашарди. Газеталар 14 октябрда Тўрт миллион тайёр, деганда ҳам, 23 октябрда Тўрт Миллион Беш юз тайёр, деб ёзганида ҳам, 12 ноябрь куни Беш миллион юз минг тонна тайёр, деб жар солганида ҳам мен қаҳрамонларинг қаторида яна ўша толмас-толиқмас Деҳқоновингни кўрдим, олтин бошларидан ёғилаётган шараф олқишларига самимий, камтарона, супо боқиб турганини кузатиб, замонимиз, даврмиз, давлатимиз, халқимиз, партиямиз етиштирган шундай фарзандлар ҳаққи кўзларига ёш олганлар гувоҳи бўлдим!

Она Республикам, саховатпешам! Эсингдами, сен билан биз Ғурумсарой «йўлбарси» деб аталмиш ажойиб ўғлингнинг ишларига лол қолганимиз. Унинг ишларига наинқи мен, Сенинг ўзинг ҳам ёқа ушлаган эдинг, Аҳмаджон Одиловнинг ишларига! Ана шу «худо қарғаган» биёбон бугун гигант совхоз, пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик совхози. Аччиқкўл қумлигидан асар ҳам қолмади деса бўлади, биёбоннинг қоқ ўртасига бу тинчимас соҳибкорнинг гўзал бир шаҳар ҳам қуриб олди. Отини «Навбаҳор» қўйди. Бу ҳам ўзига хос табиатга чақириқ, унинг офаталарига қарши отилган ўқ! У, йил бошида пахтакорларни юқори ҳосилга, механизация чақирди. У, бир вақтлар Ғурумсарой чўлини ўзлаштириб, Ленин номли колхоз ташкил этганида чўлнинг ботмон-ботмон тошларини, ҳарсангларини механизация биланмас, қўли билан тозаларган эди, қўқон аравада, бричкада. Ушандаёқ одамлар бунинг ғайратига, тадбиркорлигига, ишбилармонлигига, айниқса, Сенга қўйган муҳаббатига имон келтирган эдилар. Мана бугун Аҳмаджон Одилов мақсадига етди, унга, унинг сафдошларига, сафдошлари мақсадларига механизация ёрдамга келди, чўлнинг тит-питини чиқариб юборди. Ушанда айтган эдинг, «қақиқий одам билан Ватан фарзандининг фарқи йўқ, кишининг мукаммал бахтига эса, бахтиёр Ватан лозим» деб. Бу гапларни, албатта, ана шу Одиловларга қаратиб айтган эдинг.

Она Республикам! Сен Адолат опа Асроновани биласан. Фарғона районида Охунбобоев номли колхознинг раисаси, ўша ердагиларнинг ибораси билан айтганда, Усмон Юсуповнинг қизи. Унинг Фарғона далаларини гуллатиб юрган дугоналарини ҳам биласан, ажойиб раисалар: Энахон Ахмадалиева, Фарзинисо Муҳитдинова, Рисолатой Эргашева! Бу аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик ишларига суқинг киради. Раҳмиддин Абдураҳмонов раҳбарлик қилаётган Навоий номли колхозни биласан, гуллатиб юборган, Ҳонқадаги Охунбобоев номли колхозни эслатади, машҳур колхоз қурилиши ташкилотчиларидан бири Аҳмаджон Юсуповнинг ишларини. Даласига киришинг билан расамадни кўрасан, келинлар ҳовлисига ўхшайди, топ-тоза, кўркам, ғўзалар ҳам битталаб ювиб-таралиб турадигандай. Қишлоғига киришинг билан эса, шаҳарга кириб қолдимми, дейсан, заводи ҳам, фабрикаси ҳам, илмий-тадқиқот лабораторияларигача бор.

Бундай хўжаликларнинг режаларини қандай бажариб қўйганликларини ҳам билмай қоласан киши, камтарин, камсухан, аммо ишлари катта! Пахта илми камолига етди, деҳқоннинг юкини қўлидан олди, ҳосилининг ярмидан кўпини машина териб бермоқда, деҳқон энди уни юз процентга етказишни ўйламоқда, анча-мунча колхозлар, ҳатто районлар қўл меҳнатидан озод қилмоқдалар ўзларини, ҳосилларини машиналарга топширмоқдалар. Бунинг аниқ ва ажойиб мисоли намуна кўрсата бошлади. Етмиш олтинчи йил наинки пахта йили, ҳатто машина йили ҳам бўлди. Буни учқўрғонликлар бошлаб беришди. Улар ҳамма пахтамизни машинада терамиз, дедилар. Район бунга тайёр эди, ери ҳам, пахтаси ҳам. Бу катта чақириққа Учқўрғон етмишинчи йилдан бери тайёргарлик кўрарди, ўша йилдан бошлаб карталарини машиналарга бўшатди, машина экиб, машинада парваришлаб кўрди, биринчи йили машинада 30 процент пахтасини териб олди, тажриба синовдан ўтди, иккинчи йили яна қаттиқроқ киришди, табиат офатлари аралашди ишга, ҳалақит бермоқчи бўлди, қайта-қайта эктирди, совуқ урди, қатқалоқ босди, сел келди, ғармсел тўсди... Ҳаммасини енгиб ўтди, эл олдида қизарги келмади. Тутган еридан кесадиган, билимдон секретари Абдуллажон Ҳасановнинг кабинетида қийналиб, хуноб бўлиб ўтирганида учратган эдик. Ушанда ҳам қўймади, илмини, сени ўртага қўйди, ҳаммасини аросатда қолдирди, 84 процент териб олди машинада, тағин олий навда. Ҳамма ҳайрон қолди, тўқсонга етказаман, деди. Келгуси етмиш тўртинчи йили 88 процент терди. Бу йил 12 октябрдаёқ тугаллади. Бирданига 350 машина солди далага, 23 сентябрда кирди, йигирма кунда чиқиб кетди.

Она Республикам! Ғалабанг муборак! Бу катта, улуғвор воқеалар камолида майдонга чиққан замонамизнинг янги, ажойиб қаҳрамонлари муборак сенга, 450 тоннадан ошириб пахта терган механизатор Тўлан Дадажонов, Абдуфаттоҳ Солиев, Турсуной Охунова, 600 тоннага етказиб пахта терган Валижон Қорабоевлар ғалабаси муборак сенга, Энвер Алиев, Болта Еқубов, Маннап Жалолов, Аҳмаджон Валиев сингари ажойиб кишилар шарафи муборак сенга? Бу одамлар худди ўзингга ўхшаб кетади, Она Республикам, саховатпешам! Уларнинг қаҳрамонликлари ҳам, жасоратли, тадбиркорликлари ҳам, иродалари ва эътиқодлари ҳам саховатлари ва садоқатлари ҳам, ҳамма-ҳаммаси! Иқтидор бу — ўз кучини билмоқ, шунга қараб ўзига иноннмоқдир, дердинг фарзандларингга қараб. У туғма бўлмайди, у асл меҳнатда, жангда, кураш майдонида туғилади, дердинг! Мен бу сўзларингнинг камолини кўрдим бугун, Она Республикам! Мардлик—масъулият кучини теран ҳис қилабилмоқдир, деган эдинг! Буни ҳам бугун фарзандларинг қиёфаларида, фаолиятларида кўрдим ва фахрландим! Йигит эгардамас, ерда ҳам мард бўлиши керак, дер эдинг. Буни ҳам мен фарзандларинг фазилатларида кўрдим, ҳайратга тушдим! Сенга шарафлар, Она Республикам!

ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН ШАРАФИГА

Руминия Компартиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Н. Чаушеску 22 ноябрь куни Давлат кенгаши саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Л. И. Брежнев ва Н. Чаушеску ўртоқлар билан бирга уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий кишилар, Руминиянинг партия ва давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Н. Чаушеску ва Л. И. Брежнев ўртоқлар нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Ўртоқ Н. ЧАУШЕСКУ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Брежнев!

Совет Иттифоқидан келган азиз меҳмонлар!

Азиз ўртоқлар!

Ҳурматли ўртоқ Брежнев, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва Совет Иттифоқи халқларининг раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби бўлган Сизни, Совет Иттифоқидан келган бошқа меҳмонларни Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Давлат кенгаши, ҳукумати номидан, шахсан ўз номимдан алоҳида мамнуният билан сидқидилдан табриклаб, сизларга социалистик Руминия диёрига ҳуш келибсизлар, деган самимий тилак билдираман.

Румин халқи сизларни улуғ Совет Иттифоқининг эъзозли вакиллари сифатида қучоқ очиб кутиб олмоқда, сизларнинг визитингизни халқларимизни ўзаро боғлаб турган ҳамда тараққиёт ва яхши ҳаёт йўлидаги умумий курашда қадимий анъаналарга эга бўлган дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларининг ифодаси деб билади. Мамлакатларимиз социализм ва коммунизм қураётган янги шароитларда Руминия — Совет муносабатлари социал тузумнинг муштараклигига, идеология муштараклигига, халқларимизнинг эзгу орзуумидлари ва идеалларига асосланиб юқори погонага кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлигини, Руминия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасида ривожланиб бораётган яхши муносабатларни, янги социал тузумни барпо этишда иккала халқ ўртасидаги самарали ва атрофлича тажриба баҳам кўрилаётганлигини эътиборга олган ҳолда, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари сифатида Сизни, Совет Иттифоқидан келган бошқа меҳмонларни Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Давлат кенгаши, ҳукумати номидан, шахсан ўз номимдан алоҳида мамнуниятлар билан сидқидилдан табриклаб, сизларга социалистик Руминия диёрига ҳуш келибсизлар, деган самимий тилак билдираман.

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзингиз дунёда содир бўлаётган чуқур революцион миллий ва социал ўзгартишлар социалистик мамлакатлар сиёсатининг, барча тараққийпарвар антиимпериалистик кучлар курашининг натижаси бўлиб, халқлар империалистларнинг ҳукмронлик ва тенгсизлик сиёсатига чек қўйиш, ўз миллий бойликларининг, ўз тақдирининг тўла ўзҳайини бўлиб қолишга қаттиқ бел боғлаганликларини ифодалайди. Шу ўзгаришлар натижасида халқаро ҳаётда кескинликни юмшатиш ва ҳамкорликка қаратилган янги ижобий йўл тобора яққол намоён бўлмоқда. Бироқ, ҳали дунёда тинчлик ва хавфсизликка таҳлика сола оладиган, кескинликни юмшатиш жараёнига тўсқинлик қила оладиган кучлар борлигини унута олмаймиз. Шу сабабли биз кескинликни юмшатишни кучайтириш ва давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида куч-қувватларни бирлаштириш халқларнинг, бутун дунёдаги илғор кучларнинг олий бурчи, деб ҳисоблаймиз. Янги халқаро сиёсий иқлимни ривожлантиришда социалистик мамлакатлар, тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини активлик билан ўтказаётган Совет Иттифоқи муҳим роль ўйнамоқда. Социалистик мамлакат бўлган Руминия Совет Иттифоқи билан, барча социалистик мамлакатлар билан дўстлик, иттифоқ ва ҳамкорлик муносабатлари румин халқининг, янги тузум қураётган ҳамма халқларнинг манфаатларига, социализм ва тинчлигининг муштарак ишига мос келишини англаб, шу муносабатларни ривожлантиришни биринчи ўринга қўймоқда.

Шунингдек биз ривожланаётган мамлакатлар билан, қўшилмаган мамлакатлар билан, ривожланган капиталистик мамлакатлар билан, социал тузумидаги фарқдан қатъий назар, дунёдаги барча давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтираяпмиз, халқаро меҳнат тақсимотида, жаҳон миқёсида бойликларни алмаштиришда актив қатнашаяпмиз. Биз тенг ҳуқуқлилик, миллий мустақиллик ва суверенитетни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик принципларини ўзимизнинг халқаро муносабатларимизга доимо асос қилиб олаяпмиз.

Руминия Социалистик Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни амалга ошириш мақсадларини кўзлаб, қитъамиз ҳаётидаги тарихий воқеа — Хельсинки кенгашининг аҳдномалари руҳида бошқа социалистик мамлакатлар билан, барча тинчликсевар халқлар билан биргаликда изчиллик билан ҳаракат қилаяпти. Яхлит бир дастурдан иборат бўлган Умумевропа кенгаши ҳужжатларини амалга ошириш мақсадида кенг миқёсдаги ва монеъсиз иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни, маданий алоқаларни ривожлантириш учун, шунингдек қитъадаги қуролли кучларни самарали равишда бир-биридан олислаштиришга ўтиш учун ҳамма давлатлар қатъий чоралар кўришлари ва конкрет ҳаракат қилишлари зарур.

Биз 1977 йилда Белградда ўтказиладиган Умумевропа кенгашига энг яхши шароитларда тайёргарлик кўришга, бу кенгаш кескинликни юмшатиш, хавфсизлик ва тинчлик йўлининг янги омили бўлиб қоладиган конкрет тадбирларнинг катта программасини қабул этиши учун актив ҳамкорлик қилишни истаймиз.

Шу маънода Руминия Болқон ярим оролидаги давлатларнинг ўзаро ишончи ва кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, бу районни ядро куролидан ҳоли бўлган тинчлик ва яхши қўшничилик зонасига айлантиришга, шунингдек Кипрдаги можарони сиёсий музокаралар йўли билан тугатишга катта аҳамият беряпти. Можаро ва кескинликнинг ҳар қандай манбаларини тугатиш зарурлигига асосланиб, Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчликни амалга ошириш учун янада зўр бериб куч-ғайрат сарфлаш, шу мақсадда Женева конференциясининг ишини ҳам қайтадан бошлаш зарур.

Ялпи қуролсизланишга эришиш ва биринчи галда ядро қуролини тарк этишни амалга ошириш ҳозирги даврнинг туб масалаларидан биридир. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланишга доир амалий тадбирларга ўтиш учун ҳамма ишни қилиш, шу тарзда ҳозир ҳарбий мақсадларга исроф қилинаётган жуда катта ресурсларни инсонга, халқларнинг фаровонлиги ва бахт-саодатига хизмат қилдириш — бизнинг ўз халқларимиз олдидаги, бутун дунё халқлари олдидаги бурчимиздир.

Империалистик, мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик сиёсати натижасида халқларнинг кўпчилик қисми яшаб турган заиф ривожланиш қолдиқларини тугатиш замонамизнинг жуда зарур талабидир. Ривожланиб бораётган социалистик мамлакат бўлмиш Руминия давлатлар ўртасидаги катта тафовутни тугатиш йўллари ва бунга эришиш чораларини қидиришда актив қатнашмоқда, орқада қолаётган мамлакатларнинг тезроқ ривожланиши, жаҳон экономикасининг стабиллигини мустаҳкамлаш ва янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш учун ҳаракат қилмоқда. Бизнинг мамлакатимиз халқларнинг миллий-озодликка эришиш, мустақилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги, империалистларнинг ҳукмронлик ва жабр-зулм, эски ва янги мустамлакачилик, ирқчилик ва апартеид сиёсатини батамом тугатиш йўлидаги курашини қатъият билан қўллаб-қувватламоқда.

Ҳозирги ривожланиш катта-кичиклиги ёки социал тузумидан қатъий назар ҳамма давлатларнинг тинчлик ва тараққиётга тааллуқли масалаларни ҳал этишда тенг ҳуқуқ билан иштирок этишини қаттиқ талаб қилмоқда. Бизнинг фикримизча, бу ишга социалистик мамлакатлар билан бирга империалистларнинг эски сиёсатини тугатишдан, янги халқаро муносабатлар ўрнатишдан ғоят манфаатдор бўлган ривожланаётган мамлакатлар, қўшилмаган мамлакатлар муҳим ҳисса қўшишлари мумкин. Шу маънода ҳозирги дунёнинг комплекс проблемаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда ҳамма давлатларнинг иштирок этиши учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаб берадиган Биргалашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар муҳим роль ўйнайди.

Халқаро ҳаётнинг, хавфсизлик ва тинчлик учун курашнинг туб масалаларида Руминия Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан халқларимиз манфаатларига, кескинликни юмшатиш ва бутун дунёда тинчлик иши манфаатларига мувофиқ равишда мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзининг интернационал анъаналари руҳида иш кўраётган Руминия Коммунистик партияси барча коммунистик ва ишчи партиялар билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантирмоқда, уларнинг бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун актив ҳаракат қилмоқда. Коммунистик партияларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги муносабатларнинг янги принципларини қарор топтиришга Берлин конференцияси муҳим ҳисса қўшганлигини уқтириб ўтмоқчиман. Бизнинг партиямиз планетамизда энг яхши ва янада одилона тинчлик ўрнатиш учун курашда бутун дунёдаги социалистик ва социал-демократик партиялар билан, бошқа тараққипарвар ва демократик кучлар билан муносабатларни ҳам мустаҳкамламоқда.

Ҳурматли ўртоқ Брежнев!

Пировардида комил ишонч билан яна, бир карра айтаманки, Сизнинг мамлакатимизга қилган визитингиз иккала мамлакат партиялари ва халқлари ўртасидаги дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда румин—совет ҳар томонлама ҳамкорлигини кучайтиришга ёрдам беради.

Ҳурматли ўртоқлар: сизларни:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет Иттифоқи халқларининг раҳбари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг сиҳат-саломатлиги учун!

Совет Иттифоқи халқларининг фаровонлиги ва бахт-саодати учун!

Партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда дўстлик учун!

Социализм ва коммунизм тантанаси учун, халқларимиз ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун!

Шу ерда ҳозир бўлган ҳамма кишиларнинг сиҳат-саломатлиги учун! — Қадаҳ кўтаришга таклиф этаман.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Чаушеску!

Азиз ўртоқлар!

Аввало, Бухарестда бизга кўрсатилган дўстона иззат-икром учун, Коммунистик партиямиз билан совет халқи хусусида, совет—румин дўстлиги хусусида, Руминия Коммунистик партияси билан Руминия давлатининг раҳбари, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, ўртоғимиз Николае Чаушеску бу ерда айтган самимий сўзлар учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Румин халқининг совет мамлакатига нисбатан, Ленин партиясига нисбатан эзгу ҳис-туйғулари намойиши бизни ғоят тўлқинлантиради ва хурсанд қилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Сиз, азиз ўртоқларга, барча румин коммунистларига, бутун румин халқига Совет Иттифоқи коммунистларининг, барча совет меҳнаткашларининг қизғин, қардошлик саломини топшираман!

Ҳали яқиндагина, ўтган ёз кунлари биз ўртоқ Чаушеску билан учрашиб, совет—румин муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалаларини дўстона, ошкора муҳокама қилган эдик. Иккала томоннинг фикрича, бу — жуда яхши музокаралар бўлди. Энг муҳими эса — фойдали музокаралар бўлди, чунки бир гаплашиб олган кўп масалалар ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда, Биргаликдаги режаларимиз, истакларимиз эса яна кучайиб бормоқда, албатта.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳал этилмаган бирон бир катта масалалар йўқ. Аммо биз ҳаммамиз анъанавий совет—румин дўстлиги замиридаги имкониятлардан халқларимиз бахт-саодати йўлида имкони борича тўлиқроқ фойдаланилишидан манфаатдормиз. Аслини олганда, Бухарестдаги музокаларимизнинг бош маъноси ҳам шундан иборат.

Совет — Руминия ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун шарт-шароитлар бор, албатта. Ҳамма ўртоқлар бу фикрга қўшиладилар, деб ўйлайман.

Бу соҳада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Руминия Коммунистик партияси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш белгиловчи роль ўйнаши ўз-ўзидан равшан. Айни партияларимиз совет—румин дўстлигининг бош меъморари ва бинокорлари бўлишлари лозим. Иккала партия раҳбарлари ўртасидаги мулоқотлар, партия аппарати ходимларининг учрашувлари, бир-биримизга мунтазам равишда делегациялар юбориб туришимиз, маҳаллий партия органлари ўртасидаги алоқалар — шуларнинг ҳаммаси ҳаётий эҳтиёжларга мос бўлиб тушади. Зеро биз шунчаки яқин қўшнилар-гина эмасмиз. Идеология ва мақсадларнинг муштараклиги, марксча-ленинча идеаллар, неча ўн йиллар мобайнида орттирилган тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тажрибаси — ўз олдимизда турган кўпгина масалаларни ҳал этишда куч-ғайратларимизни бирлаштиришнинг объектив негизларидир.

Иқтисодий ҳамкорлик кўп наф келтирди ва янада кўпроқ наф келтириши мумкин. Бу соҳадаги алоқалар йил сайин кучаймоқда. Бу алоқалар миқдор жиҳатидангина ўсиб қолмасдан, сифат жиҳатидан янги хусусият касб эта бошлади. Бу нарса Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳам, икки томонлама негизда ҳам содир бўлмоқда. Бу ўринда мен тракторсозликда, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришда, станоксозликда кооперацияни йўлга қўйиш соҳасидаги қадамларимизни назарда тутаяпман. Ўтмишда аграр мамлакат бўлган социалистик Руминия эндиликда индустрия маҳсулотларинг кўпгина турларини экспорт қилмоқда. Биз социализм мамлакатлари ўртасидаги меҳнат тақсимотини такомиллаштириб, қардош давлатлардан ҳар бирининг миллий саноати учун жуда катта бозор вужудга келтира оламиз. Бу эса жуда катта фойда келтиради — ўсиш суръатларини, меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтиришни тезлаштиради.

Идеология соҳасидаги алоқалар ҳамкорлигимизнинг тобора муҳим қисми бўлиб қолмоқда, бу эса империализмга қарши ялпи курашимиз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Партияларимизнинг идеология ходимлари ўртасидаги, илмий-тадқиқот муассасалари, газета ва журналларнинг редакциялари, ижодий союзлар, санъат арбоблари ўртасидагі алоқалар мустаҳкамланмоқда. Аммо энг муҳими шуки, социалистик мамлакатларимизнинг дўстлиги миллион-миллион совет ва румин меҳнаткашларининг жонажон ишига айланмоқда, уларнинг онгига, дилига жойлашмоқда.

Биз ҳаракатларимизнинг бугунги ҳамкорлигидан қувониш билан бирга, совет—румин дўстлиги мустаҳкамланиб, гуллаб-яшнаши учун бундан буён ҳам иш олиб боришга азм қарор берганмиз. Ўртоқлар, буларнинг ҳаммасини биз коммунистик партияларимизнинг тарихий галабаси деб билишга ҳақлимиз.

Ҳозир мамлакатларимиз катта-катта вазифаларни ҳал этмоқдалар. Сизларнинг дўстларингиз бўлганимиз учун биз румин халқининг РКП XI съезди қарорларини амалга оширишдаги муваффақиятларидан астойдил қувонамиз, ривожланган социалистик жамият қурилишида дадил ола бораётганингиздан қувонамиз. Биз, совет кишиларининг ҳозирги бош мақсадимиз — коммунистик қурилишнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган катта вазифаларини амалга оширишдан иборат. Хуллас, биз ижтимоий ривожланишнинг катта йўлида ёнма-ён боряпмиз. Бинобарин, мутлақо табиийдирки, миллий куч-ғайратлар билан бир қаторда қардошларча баҳамжиҳат ҳаракат, ўз манфаатларингина эмас, шу билан бирга ўз социалистик дўстларининг манфаатларини ҳам ҳисобга олишга табиий тайёр бўлиб туриш — муваффақиятларимизнинг муҳим омилларидир.

Бу — Варшава Шартномаси ташкилоти ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида бирлашган социалистик давлатлар мустаҳкамланиб бораётган иттифоқининг негизидир. Менинг фикримча, дунёдаги барча социалистик мамлакатларнинг жипслигича сизлар билан бирга интилаётганлигимизнинг асоси ҳам ана шундан иборат.

Ҳурматли румин дўстлар, бу ерда шуни айтиб ўтмоқчиманки, халқаро сиёсат масалаларида Руминия Социалистик Республикаси билан ҳамкорлик қилинган пайтларда, буни биз Совет Иттифоқида юксак қадрлаймиз ва бундай ҳамкорлик нақадар нўп бўлса, тинчлик ва социализм иши учун, сиз билан бизнинг умумий мақсадларимиз ва идеалларимиз учун шу қадар яхши бўлади, деб ўйлаймиз.

Биз бу йил Европа компартияларининг конференциясига тайёргарлик кўриш давомида румин ўртоқлар билан яхши ҳамкорлик қилдик. Ҳозир биз Варшава Шартномаси Сиёсий маслаҳат комитетининг бўлажак кенгашига тайёргарлик давомида яхши ҳамкорлик қилямиз, бу кенгаш Европада, демакки, бутун дунёда ҳам тинчликни мустаҳкамлаш ишига яна катта ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

Чамаси, биз ҳаммамиз, қардош социалистик мамлакатлар Умумевропа кенгаши қатнашчиларининг Белградда ўтказиладиган учрашувига ҳозирлик кўриб, янада ғайрат билан ишлашимиз лозим бўлади. Истардикки, бу учрашув пропагандистик тортишув майдони бўлиб қолмасдан, балки холис ниятли конструктив анжуман бўлсин, Хельсинкидаги Якунловчи актни имзолаган давлатлар ўзаро манфаатли тинч ҳамкорлигини янада ривожлантириш хусусидаги ижобий гояларнинг манбаига айлансин.

Ниҳоят, назаримда, социалистик мамлакатлар аҳиллик ва қатъият билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар, замонамизнинг энг ўткир проблемаларидан бири, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда тўплаб қўйилган қурол-яроғлар даражасини қисқартириш, яъни қуролсизланиш йўлида амалий қадамлар қўйишга ўтиш проблемасини ҳал этишни яқинлаштириш учун кўп иш қилишга қодирдирлар. Чунки, айни шу проблемани ҳал этиш замондошларимиз ва келажак авлодлар учун ҳақиқатан ҳам мустаҳкам тинчликка, инсонга муносиб осойишта ижодий турмушга эришиш калитидир.

Тинчлик тарафида, қуролсизланиш тарафида қудратли кучлар, инсониятнинг жуда қўпчилиги турибди. Бутун гап ана шу кучларни активлаштиришга, уларнинг ҳаракатини лозим бўлган йўлга солиб юборишга боғлиқ. Шу ўринда биз, коммунистларнинг зиммамизда, социализм мамлакатларининг зиммасида чинакам тарихий масъулият турибди. Келингилар, ўртоқлар, шундай ҳаракат қилайликки, имкони бўлган ҳамма ишлар қилинмай қолди, деб кейинчалик ҳеч биримиз ўз-ўзимизга таъна қилиш учун ҳеч қандай асос бўлмасин!

Пировардида, азиз дўстлар, самимий кутиб олганингиз учун ҳаммангизга яна бир бор миннатдорчилик билдиришга ҳамда сизларга, барча румин меҳнаткашларига бахт-саодат ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

— Совет ва румин халқларининг бузилмас дўстлиги мустаҳкамланиши учун!

— КПСС билан РКПнинг мустаҳкам қардошларча ҳамкорлиги учун!

— Румин коммунистлари ва Руминия давлатининг раҳбари ўртоқ Николае Чаушескунинг сиҳат-саломатлиги учун, Руминия Коммунистик партияси сиёсий ижроия комитети аъзоларининг сиҳат-саломатлиги учун, барча румин дўстлар учун!

— Тинчлик ва коммунизм учун! — деб қадаҳ кўтаришни таклиф қилишга рухсат бергайсизлар!

* * *

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

Бухарестнинг Скинтея майдонидаги гранит супада жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси В. И. Ленин ҳайкали қад кўтариб турибди. 23 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари К. Ф. Катушев, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат А. М. Александров ва Совет Иттифоқидан келган бошқа ўртоқлар В. И. Ленин ҳайкали супасига гулчамбар қўйдилар.

Шу куни улар Бухарестда Руминия коммунистик ва ишчилар ҳаракатига, мамлакатни озод этиш учун олиб борилган қурашга алоқадор эсдалик жойларни бориб кўрдилар.

Озодлик паркидаги пантион ёнида мангулик машъаласи ёниб туради. Бу машъала румин халқининг ўз мамлакати порлоқ келажаги учун курашда ҳаётини қурбон қилган энг яхши фарзандлари хотирасига ёқилган. Л. И. Брежнев, Совет Иттифоқидан келган бошқа ўртоқлар халқ ва ватан озодлиги учун, социализм учун кураш қаҳрамонлари ҳайкали супасига гулчамбар қўйдилар.

1944 йилда республика пойтахтини фашист босқинчилардан озод этиш учун курашда румин халқи фарзандларининг жасорати абадийлаштирилган ёдгорликка ҳам гулчамбар қўйилди.

Сўнгра Л. И. Брежнев, А. А. Громико, К. Ф. Катушев, К. У. Черненко ўртоқлар ва Совет Иттифоқидан келган бошқа ўртоқлар Ғалаба майдонига бориб, 1944—1945 йилларда Руминияни озод этиш учун курашда халок бўлган совет жангчилари ёдгорлигига гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбарлар қўйиш маросимида ёдгорлик ёнида РСР қуролли кучларининг фахрий қоровуллари саф тортиб турди, иккала мамлакатнинг давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

БУХАРЕСТ, 22 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши нефть ва газ саноати доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Комиссия ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар: БХР, ВХР, ГДР, Куба, ПХР, РСР, СССР, ЧССР делегациялари иштирок этдилар. Комиссия мажлисида ЮСФР делегацияси ҳам қатнашди.

Комиссия ёқилғи, энергия ва хом ашё соҳасида ҳамкорлик қилишга оид бир мақсадни кўзлаган узоқ муддатли программа лойиҳаси учун материаллар тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. 1980—1985 йилларда нефтни қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш соҳасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва ЮСФР ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан таклифлар, шунингдек бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши нефть ва газ саноати доимий комиссиясининг мажлиси дўстона вазиятда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 22 ноябрь. (ТАСС мухбири). Ливан Республикасининг президенти И. Саркис мустақиллик куни муносабати билан кеча радио ва телевидение орқали халққа мурожаат қилиб нутқ сўзлади. У барча ливанликларни 19 ой давом этган уруш ва вайронгарчиликлардан кейин бирлашишга ҳамда янги Ливанни барпо этиш учун киришишга даъват қилди. И. Саркис мамлакатнинг тўла-тўкис хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтди. Иккинчи босқичда, деди президент, «кескин ижтимоий проблемаларни, даставвал уруш вақтида зарар кўрган кишиларга ёрдамлашиш проблемаларини» ҳал этиш зарур.

Президент ўз нутқининг кўпчилик қисмини Ливаннинг экономикасини қайта тиклаш масалаларига бағишлади. У шу муносабат билан дўст мамлакатлар, шунингдек халқаро ташкилотлар зарур ёрдам ва мадад беради, деб умид билдирди. Президент тараққиёт ва қайта қуриш кенгаши тузилганлигини маълум қилди. Бу кенгаш экономикани қайта тиклаш йўллари ва шаклларини аниқлаб беришга даъват этилгандир.

Давлат аппарати ва суд органлари, деди сўзини давом эттириб у, янги асосларда қайта ташкил этилади. И. Саркис Исроилнинг доимий таҳдидлари ва игвогарликлари Ливаннинг мустақиллигини, суверенитетини ва территориал бутунлигини ҳимоя қилишга қодир кучли миллий армия барпо этишни талаб қилади, деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ливанда тинчликни таъминловчи араб мамлакатлари кучларини жойлаштиришнинг учинчи босқичи мустақиллик куни арафасида тугади. Араб қўшинларининг бўлинмалари кеча Триполи шаҳрига, Сайда ва мамлакатнинг бошқа бир қанча районларига кирди. Матбуот ҳозирги вақтда Ливаннинг бутун территориясида амалда хавфсизлик таъминланганлигини таъкидлаб ўтмоқда.

Араб мамлакатлари кучларининг кўмондонлиги махсус рухсати бўлмаган шахсларнинг ҳаммасига қуролярог олиб юришни ва ҳарбий формада кийиниб юришни қатъиян ман этди.

Ливан пойтахтида кундалик ҳаёт қайта изга тушмоқда. Кўпгина магазинлар, кино-театрлар, унча катта бўлмаган корхоналар ишлай бошлади. Байрут халқаро аэропорти нормал ишлаб турибди. Халқаро денгиз портининг вакили порт ишини йўлга қўйиш учун бир ойча вакт кифоя килади деб хабар берди. У портга етказилган зарар бир миллиард Ливан фунтига тенг келади деб таъкидлади.

Мамлакат асосий автомобиль йўлларининг ҳаммасида, шу жумладан Байрут—Дамашқ тош йўлида одатдаги ҳаракат бошланди.

Бугундан бошлаб электр энергиясини тақсимлашнинг янги графиги кучга киради. Бу графикка биноан, Байрутнинг барча районларига ва шаҳар атрофидаги районларга ҳар куни саккиз соат мобайнида электр етказиб берилиши таъминланади.

А. УРАЗОВ.

ХИТОЙДАГИ АҲВОЛ

ПЕКИН, 22 ноябрь. (ТАСС). Хитой газеталари раҳбарликдан четлатилган Ван Хун-вэнь, Чжан Чунь-цяо, Цзян Цин ва Яо Вэнь-юань гуруҳини танқид қилувчи материалларни босиб чиқаришни давом эттирмоқдалар.

Шуниси диққатга сазоворки, энди ХХРнинг иқтисодий сиёсати масалалари ҳам танқид қилинмоқда.

Газеталардаги мақолаларнинг авторлари «тўртлар гуруҳи»ни танқид қилиб, Хитойни иқтисодий ривожлантириш учун ўтган йилнинг бошларида халқ вакиллари умумхитой мажлиси сессиясида баён этилган «экономикани жадал ривожлантириш» йўли асос қилиб олиниши керак, деб уқтириб ўтмоқдалар.

«Жэньминь жибао» газетаси яқинда «тўртлар гуруҳи»нинг фош қилинган арбоблари «революцияни ишлаб чиқаришга, сиёсатни экономикага, синфий курашни ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишга қарши қўйдилар», деб ёзди. «Тўртлар гуруҳи»ни тўғридан-тўғри бу гуруҳ Хитойнинг нормал иқтисодий ривожланишига катта зарар етказди, деб айбламоқдалар.

Жумладан, «бошқаришнинг юксакроқ формасига ўтиш шарти сифатида» тегишли моддий-техника базасини вужудга келтиришга қарши чиққан Яо Вэнь-юань номига қилинган танқид диққатга сазовордир. ХХРнинг вазифаси «шу асрнинг охиригача қишлоқ хўжалигини, саноатни, мудофаа, фан ва техникани модернизациялашдан иборат», деган сўзлар яна такрорланди.

Шу кунларда Хитой матбуоти «Ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилсин!», «Тўртлар шайкасининг қўпорувчилик фаолияти туфайли қўлдан бой берилган вақтни қоплаш учун зўр бериб меҳнат қилингиз!» деган шиорлар ва бошқа шиорларни кенг пропаганда қилмоқда. «Жэньминь жибао» газетаси ўз мақолаларидан бирида «хўжалик ҳисоби йўлга қўйилсин, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархи камайтирилсин, жамғарма кўпайтирилсин, техникада новаторлик ва техника революцияси авж олдирилсин, меҳнатда мусобақа кучайтирилсин, меҳнат унумдорлиги оширилсин», деб даъват қилди.

Мана шу даъватларнинг кўпчилиги яқин вақтларгача «ўнг оғмачилик» деб таърифланар эди. Мусобақа тўғрисида эса ўн йилдан бери, яъни «маданий революция» бошлангандан бери бир оғиз ҳам гап айтилмаган эди.

Ишчилар ва деҳқонларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги тезис ҳам амалда танқид қилинмай кўйилди. «Меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий турмушини яхшилаш зарурлиги» тўғрисида, гарчи бирон бир конкрет план келтирилмаса ҳам, эслатиб ўтилмоқда.

Газеталар биринчи марта ўтган йилларда бўлиб ўтган баъзи катта сиёсий кампанияларга, шу жумладан «маданий революция»га ўзларича холисроқ баҳо бера бошладилар. Жумладан, шу кампанияларнинг салбий жиҳатлари ҳам бор эди, деб уқтириб ўтилмоқда. «Маданий революция» даврида партия ва давлат кадрларининг катта қисми, жуда кўп меҳнаткашлар асоссиз равишда қораланганлиги эътироф этилади.

«Маданий революция» вақтида адабиёт ва санъат соҳасида қилинган ишларга қайтадан баҳо бериш тўғрисидаги масала ҳам кўтариб чиқилган. Маълумки, бу соҳадаги тадбирларга Цзян Цин ва унинг атрофидаги кишилар бошчилик қилган эдилар. «Жэньминь жибао»нинг хабар беришича, ҳозирги вақтда аҳоли бундан ўн йил илгариги воқеаларга қадар яратилган ва кейин мамлакат экранларидан олиб ташланган кинофильмларни қайтадан кўриб чиқишни илтимос қилмоқдалар.

Газеталарда «тўртлар гуруҳи»ни Хитойнинг икки минг йилликдан кўпроқ тарихини конфуцийчилик тарафдорлари билан «қонунчилар мактаби» тарафдорлари ўртасидаги курашнинг битта қолипига солиб қўйди, деб айбловчи материаллар пайдо бўлди. Шу муносабат билан шахсан Мао Цзэдунинг хотини Цзян Цин танқид қилинмоқда.

АМУ БЎЙИДА БОШҚИРД ҚЎШИҚЛАРИ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Қорақалпоқ диёрида Бошқирдистон АССР адабиёти ва санъати кунлари муваффақиятли давом этмоқда. Ижодий гурунглар, самимий ва дилкаш учрашувлар тобора қизияпти. Мухбиримиз бошқирд санъатининг бир гуруҳ намояндалари даврасида бўлиб, улардан қуйидаги интервьюларни ёзиб олди.

Р. НУРМУҲАМБЕТОВ,
Бошқирдистон АССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом

— Қорақалпоқ диёрида ўтаётган адабиёт ва санъат кунларимиз икки республика рассомлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни ҳам янада мустаҳкамлайди. Биз пахтакор, шоликор, баликчи ва чорвадорлар билан учрашдик, уларнинг ажойиб ишлари билан танишдик. Шубҳасиз, дўстларимиз юртида бўлган бундай қизғин учрашувлар ижодимизда из қолдиради.

Маълумки, келгуси йили Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланади. Шу буюк сана муносабати билан қўшма кўргазма ташкил этишни мўлжаллаб қўйдик. Ишончимиз комилки, бунга Бошқирдистон ва Қорақалпоғистоннинг барча мўйқалам соҳиблари актив иштирок этадилар. Бўлажак кўргазма Уфа ва Нукус шаҳарларида, шунингдек, икки автоном республика шаҳар ва районларида, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларида намойиш этилади.

З. ИСМАҒИЛОВ,
Бошқирдистон АССР Композиторлар союзи правлениесининг раиси, РСФСР халқ артисти

— Яқинда Узбекистонда зўр муваффақият билан ўтган РСФСР адабиёти ва санъати кунларида қатнашишга муяссар бўлдим. Ана шу маданият байрами вақтида Узбекистоннинг Фарғона, Андижон ва Наманган областларида бўлиб, у ерда олиб борилаётган ижодкор меҳнат ва унинг соҳиблари билан учрашдим. Бу учрашувлар менда катта таассурот қолдирди.

Адабиёт ва санъат кунлари икки халқ маданий ҳаётида катта воқеадир. У бошқирд ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстликни, маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Биз, ижодкорларга эса кўпдан кўп илҳом бахш этади.

Қорақалпоғистонда биринчи марта бўляпман. Аммо, бу ўлка, унинг ажойиб қишилари— меҳнат қаҳрамонлари, атоқли санъаткорлари, новаторлари ҳақида кўп эшитганман, улар билан Ватанимиз пойтахти Москвада ,турли ижодий анжуманларда учрашганман. Дўстларимиз юртини кезар эканман, бу ерга анча кеч келганимдан ачиндим. Адабиёт ва санъат кунларига шарафларким, ўзига хос ажойиб бир диёрни кўриб турибман.

Маданият байрами кунларида қорақалпоқ ҳамкасбларимиз билан ижод ҳақида, қўлга киритган ютуқларимиз ва келгуси режаларимиз ҳақида қизғин мулоқотда бўляпмиз. Ўйлаймизки, бу учрашувлар Ватанимизга ва халқимизга, замонамизга муносиб асарлар яратишда катта хизмат қилади.

Г. ГИЛЬЯЗОВ,
РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

— Миллий санъатимиз совет ҳокимияти йилларида, айниқса, сўнгги йилларда мисли кўрилмаган даражада равнақ топди. Биз бунга адабиёт ва санъат ўн кунликлари, ҳафталиклари, кунлари ўтказиш йўли билан ҳам эришдик. Шу билан бир қаторда маданий алоқалар, дўстлик, ҳамкорлик яна ҳам мустаҳкамланди. Биз бу ерга келиб Автоном республиканинг ажойиб санъат усталари билан учрашдик. Учрашув пайтларида санъатимиздаги янгиликлар билан ўртоқлашдик, фикрлашдик. Бу бизнинг ижодий равнақимизга янада кенг йўл очиб беради.

Бошқирдистон АССР адабиёти ва санъати байрами бутун қорақалпоқ диёри бўйлаб давом этмоқда. Театрларда, концерт залларида ранг-баранг программаларда берилаётган концертлар санъат ихлосмандларини мафтун этаётир. Шунингдек, бошқирд халқининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини акс эттирувчи виставкалар ҳам муваффақиятли бўлаётир. Суратларда: (чапдан) Бошқирдистонда хизмат кўрсатган артист З. Ильясова ва Бошқирдистон АССР халқ артисти Ю. Ушанов Л. Степановнинг «Турна қўшиғи» балетидан адажио ижро этмоқдалар ва бошқирд ёдгорликлари кўргазмасидаги экспонатларни кўздан кечириш пайти.

А. Лихварь фотолари. (ЎзТАГ).

ГИМНАСТИКА

«ЁШЛИК»ДАГИ «ЮЛДУЗЛАР»

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт қасри деярли бир ҳафта мобайнида гимнастика бўйича ВЦСПС биринчилиги қатнашчилари ихтиёрида бўлди. Маълумки, мамлакатимизнинг кўпгина таниқли гимнастикачилари касаба союзлари қарамоғидаги кўнгилли спорт жамиятларида камол топишган.

Замонавий гимнастика спортчилар маҳорати гуркираб ўсаётганлиги билан характерлидир. Эндиликда ниҳоятда мураккаб машқлар 16—19 ёшли гимнастикачилар томонидан зўр маҳорат билан ижро этилаётгани боиси ҳам шундан. Монреалдаги Олимпия ўйинларида ишқибозлар қалбини ром этган Мария Филатованинг Узбекистон пойтахтидаги мусобақаларда кўрсатган натижаси ҳам бунга далил бўла олади. Ленинск-Кузнецк шаҳрилик бу ёш қиз замонавий совет гимнастикасининг ёркин «юлдузлари»дан бири.

Машклардаги кутилмаган элементлар-у, ижродаги бошдан-оёқ уйғунлик, юксак техникавий даража унга оқибат натижада биринчиликнинг муталақ ғолиби деган фахрли ном олишга имкон берди. Филатова мусобақанинг охирги куни бир оз эгилган ҳолда яккачўпда икки марта айланиб сакраб, ҳаммани лол қолдирди. Мамлакатимизнинг биронта ҳам спортчиси бу элементни ҳали қўлламаган эди. Судьялар ана шу машқ ҳамда таяниб сакрашдаги ҳаракатлари учун Филатовага яхшилик билан 10 баллдан бердилар. Ёшлардан москвалик Сергей Митин мусобақа ғолиби деб топилди.

Тошкентлик Аловуддин Отаҳоновнинг ҳар бир чиқишини томошабинлар қувонч билан қарши олиши, чиройли ҳаракатларини тинмай олқишлаши бежиз эмасди. Аловуддин кўпкурашда шахсий ҳисобда кумуш медаль билан мукофотланди. Аловида машқлар бўйича ўтказилган синовда эса бруслардаги ҳаракати учун олтин медаль олди. Буни Аловуддин ва унинг тренери В. Пакнинг катта муваффақияти деса бўлади. Тошкентлик гимнастикачи барча снарядларда яхши ва равон мусобақалашди. Программанинг беш турида у олган баҳо 9,0-9,3 балл атрофида бўлди.

Гроднолик Валерия Жидунова, воронежлик Татьяна Крючкова, москвалик Сергей Седов ва челябинсклик Елена Примакларнинг алоҳида чиқишлари таниқли мутахассисларга ҳамда «Ёшлик» спорт аренасига йиғилган ишқибозларга маъқул бўлди.

— Биринчилик давомида қатнашчиларнинг маҳорати, машқ бажариш техникаси анча ўсганини пайқаш қийин эмасди,— деди мусобақа бош ҳакамининг муовини, ҳалқаро тоифадаги судья В. Макарова. — Эркаклар гимнастикасида ҳам, аёллар гимнастикасида ҳам янгилик ва ўта мураккабликка интилиш кучайиб бораётир. Бунга М. Филатова, С. Митин ва А. Отаҳоновларнинг чиқишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек Ярославль шаҳридан келган қизлар ҳам эътиборни жалб этди. Уларнинг аксарияти ёш. Лекин машқларни дадил бажаришлари, композицияларни теран тушунишлари мақтовга лойиқ.

Мусобақанинг қатнашчиларидан айримлари 1980 йилда Москвада бўладиган Олимпия ўйинларида қатнашса ажаб эмас.

Т. КИСТАНОВА.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

РАҲБАРНИНГ ФАЗИЛАТИ

Андижонлик жамоатчи мухбиримиз, ёзувчи Рустам Раҳмонов Ленин районидаги «Узбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зокиржон Собиров билан раҳбар ходимнинг маънавий дунёси ва фазилатлари хусусида суҳбатлашди. Қуйида ана шу суҳбатнинг тафсилотини ўқийсиз.

ЖУРНАЛИСТ. Сиз узоқ йиллардан буён раҳбарлик лавозимларида ишлаб келасиз. Мана, райондаги «Правда Востока» колхози сизнинг раислик даврингизда юқори ҳосилли илғор хўжаликка айланди, қўшни қолоқ колхозлар қўшилиб, йирик хўжалик ҳосил бўлди. Сўнгра қолоқ «Социализм» колхозида раис бўлдингиз. Бу хўжалик ҳам бир йил ичида илғорлар сафига қўшилди. Мана энди икки йилдан бери «Ўзбекистон» колхозида раис бўлиб ишлаяпсиз. Албатта, хўжаликни бу қадар моҳирлик билан бошқаришда раҳбарнинг бирон ҳислати, фазилати бўлиши керак...

З. СОБИРОВ. Албатта. Лекин буни шу тобда айтиб бераоларманкан? Ҳарқалай, уриниб кўраман. Маълумки, кейинги йилларда колхоз хўжалиги фақат деҳқончиликдангина иборат бўлиб қолмай, мураккаб техника ва электрлашган ишлаб чиқаришга асосланган кўп тармоқли хўжаликка айланиб бормоқда. Бундай шароитда раҳбар, аввало, юқори билимга эга бўлиши керак. Қолаверса, одамлар билан муносабатда жуда хушёр бўлиш лозим. Ҳозирги пайтда раҳбарлик ғоятда нозиклашиб бораяпти. Бизнинг ишимизда, масалан, йўлда кетаётибсиз-у бир колхозчи чиқиб, бирон нарса сўраб қолди. Шунда ўйлаб ўтирмай «бўпти, кечкурун боравер, кўрамиз» деб юбориш нотўғри. Ўйлаб, фикр қилиб жавоб бериш керак, йўқ нарсани ваъда қилиб, колхозчиларни овора-сарсон қилиш керак эмас. Аммо колхозчиларнинг зориққан нарсасини топиб бериш, унинг эҳтиёжини қондириш раҳбарнинг бурчи.

Ҳамма жойда бўлгани сингари колхозда ҳам ишнинг илгари кетиши интизомнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Ишим илгари юрсин деган раҳбар энг биринчи ўзини интизомга солиши керак. Масалан, активларни бирон ишга тайинладингиз. Мана, фермани текшириш, уни тартибга солиш масаласини қўйдингиз. Активларни фалон соатда ўша жойга тўпланишини тайинладингиз. Сиз ўша жойга активлардан ҳеч бўлмаганда бир-икки минут олдин етиб боришингиз лозим. Агар сабабсиз, бир соат-ярим соат кечикиб борганингизни кўп остингиздагилар кўрса тамом, ундан кейин ўша иш битмади деяверинг.

Далага бордингиз-у колхозчилардан биронтаси кўзингизга чалинмай қолди. Бригадирдан сўрайсиз, фалончи кўринмаяпти-я? Касал деса, ўша жойданоқ тўғри жўнанг. Баъзи вақтларда қуруқ кираманми деб, кирмай қўйишади-да. Йўқ, кираверишг керак ўша захоти. Кейинча вақтингиз бўладимийўқми, айтиб бўлмайди. Беморни уйдами, касалхонадами, кўрасиз, ҳол-аҳвол сўрайсиз: нима каминг бор? Кейин қайтиб келгандан сўнг машинада шофердан озгина нарсани жўнатворсангиз боши осмонга етади, эсдан чиқармайди. Гап совға-саломда ҳам эмас, эътибор ҳисоб.

Халқдан ҳурмат тилаган раҳбар, аввал ўзи бировни ҳурмат қилиши керак. Маҳалладан ўтиб кетаётганимда оқсоқоллар тўртта-бешта бўлишиб, кўчада ўтирган бўлишади. Улар ёнида тўхтаб, саломлашмай кетолмайман. Минг зарурият ишим бўлса ҳам тўхтаб ўтаман, ўтиб кетаверишга бетим чидамайди.

Шу денг, машинада ўзингиз кетаётган бўлсангиз, колхоз территориясида ёш-яланг, ўрта ёш одам бораётган бўлса, иш зарур бўлса ўтиб кетаверсангиз бўлади. Йўлда қариялар учраб қолади, бола кўтаран аёллар учрайди. Шарт тўхтасангиз — ўзингизники, колхозингиз аъзоси. Ўтиринг дейсиз. Ўтиради. Қаердан келяпсиз, қалай, тинчмисиз, кимсиз (колхозчиларнинг ҳаммасини таниш қийин, албатта) деб, сўрагунингизча борадиган жойингизга етасиз. Машинадан тушиб, шоферга обориб қўйиб кел дейсиз-да, биронта одам билан гаплашиб бўлгунча машина ташлаб келади. Афсуски, кўпинча биз шу нарсага эътибор бермаймиз.

Раҳбарнинг яна бир фазилати тўғрисида сўзлагим келади. Раис ҳамманинг раҳбари, отаси бўлар экан, у қишлоқдаги ўлим ва маъракага сўзсиз боради. Лекин тўйларга кўп раҳбарлар улгуриб боришолмайди, айниқса тўйлар кўпайган маҳалда. Шунда, масалан, бугун тўрт жойда тўй бор, тўртовига боролмаймиз. Шу тўрт тўй эгасининг иккитаси ўзига тузук, бунинг ўзгача атрофда ишлайди. Аммо-лекин иккитаси колхознинг оғирини енгил қиляпти. Ўшанга қанақа қилиб бўлса ҳам бориш керак. Борилмаса, сиздан жуда-жуда норизо бўлиб кетади.

Ўша тўйларга борганингизда ҳурмат қилишиб, «қани-қани, бўёққа» дейишиб, алоҳида хонага бошлашади. Шунда сиз ҳовлида қатор скамейкаларда ўтирган колхозчилар қаторига қўшилсангиз, бўёғинги з.д а тракторчи, бўёғингизда бир колхозчи бўлади, улар билан гурунглашиб ўтирсангиз, ҳам ўзингиз ҳурсанд бўласиз, дилингиз равшан бўлади, ҳам ёнингиздс ўтирганларнинг самимий ҳурмат-муҳаббатини қозонасиз.

Сиртдан қараганда, менинг бу фикрларим, мулоҳазаларим майда-чуйда гаплардай туюлади. Аслида эса, раҳбарнинг фазилати, одамлар орасидаги обрў-эътибори мана шу «майда-чуйда» ишлардан бунёдга келади, вақти-соати келганда буларнинг ҳар бири катта роль ўйнайверади.

ЖУРНАЛИСТ. Мен бир нарса эшитдим. Сиз «Узбекистон» колхозига келганингиздан кейин колхозчиларнинг томорқаларида етиштирилган поз-неъматларни, хусусан, помидорни ташкилий равишда сотишни йўлга қўйдингиз. Бу билан колхозчиларнинг айни иш қизғин маҳалда ҳар ёққа кетиб қолишига барҳам бердингиз.

З. СОБИРОВ. — Тўғри, Ленин районидаги, жумладан, колхозимиздаги деҳқонлар томорқада мўл-кўл помидор етиштиришнинг ҳаддини олишган. Бизнинг томорқа щароитимизда бошқа экин унча яхши ҳосил бермаяпти . Масалан, бодринг, қовун экиб кўришди, шўр тушиб кетди. Пиёз экиш мумкин, лекин ҳозир уни сотиш даҳмазаси кўпроқ.

Мен бу колхозга келганимдан кейин колхозчилар билан маслаҳатлашдим. Иш авжи қизиган кезларда помидорни машиналарга ортиб ҳар ёққа кетиб қолишни бас қиласизлар, биз етиштирган маҳсулотингизни сотишга ёрдам берамиз, дедим.

Биз Андижон консерва заводи билан йилнинг бошидаёқ беш юз тонна помидор сотишга шартнома туздик, колхозчиларнинг помидори ҳисобини юритиш учун штатда ишлаётган ҳисобчилардан бирини «шу ишни сен бошқарасан» дедик. Колхозчиларга накладной тарқатдик. Бригада бошлиқари помидор пишган маҳалда ўз колхозчиларининг маҳсулотини яшикларга жойлаб, транспортда заводга етказиб бериб турди. Бунинг эвазига заводдан пул келиб турди. 1975 йилда колхозчиларнинг бир юз беш минг сўмлик помидорини сотиб бердик, бу йил ҳам шунчадан кўпроқ даромад олишди.

ЖУРНАЛИСТ. «Ўзбекистон» колхози мана икки йилдан бери илғорлар қаторига қўшилиб қолди. Бунинг асосий боиси нимада деб биласиз?

З. СОБИРОВ. Колхозга келиб одамлар билан бирма-бир, далама-дала юриб гаплашдим. Уларнинг гапларида айрим идора ходимларидан норизолигини англадим. Аммо колхоз активларини ўзгартмадим. Ҳозир ҳам ўшалар ҳаммаси ишлаб туришибди. Фақат огоҳлантирдимки, энди сизлар билан қаттиқ ишлаймиз, ҳамма ишларимиз яхши бўлади, дедим. Лекин колхозда ерларни кенгайтиришнинг имконияти йўқ эди, асосий иш — ҳар бир гектар ернинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобигагина амалга оширилиши мумкин. Яна айтдимки, идора ходимларидан ҳозирча норизо бўлмай турасизлар, ҳаммасини ўнглаймиз, ўзларига тўғрилаттирамиз, дедим. Кўпчилик ўз вақтида иш ҳақини олмаётганидан шикоят қилди. Йўқ, ҳаммасини изга туширдик.

Колхознинг давлатдан 350 минг сўм қарзи бор экан. Шунга қарамасдан, яна қарз ҳисобига иш қилинаётган экан, тўхтатдик. Шошманглар, аввал буёғини «рамкалаштириб» олайлик, кейин кўрамиз, дедим. Колхозчиларнинг ойлик иш ҳақи вақтида бериб борилишига эришдик.

Хўжаликдаги техникани бундай яхшироқ қарасак, ярмини ҳисобдан чиқарворишга тўғри келаркан. Йўқ, чиқармадик, тегишли ўртоқларга мурожаат қилиб техникани қайта тикладик. Ортиқча чиқимларни жуда қаттиқ қўллик билан мумкин қадар камайтирдик. Ҳар бир сўмлик ҳаражатни жуда эҳтиёткорлик билан сарфладик. Мақсад нима — тежаб-тергаб, одамларимизга кўпроқ пул тарқатиш ниятида бўлдик-да. Шунинг учун ўтган етмиш бешинчи йилда сметада кўрсатилган бир миллион 800 минг сўм ўрнига 2 миллион 600 минг сўм, яъни 800 минг сўм кўп даромад олдик. Натижада йиллик ҳисобот пайтида колхозчиларимизга бериладиган пул ортди. Етмиш бешинчи йилда сал тикландик. Етмиш олтинчи йилга ўтиб, мана ҳозир пахта йиғим-терими тугамасдан туриб, бутун қарзларимиздан узилиб, колхозчиларга тақсимлайдиган ва капитал қурилишга сарфлайдиган талай маблағга эгамиз.

ЖУРНАЛИСТ. Зокиржон ака, ҳаёт олга қараб боради. Кексалар ўрнини ёшлар эгаллайди. Колхозингизда ва умуман иш тажрибангизда раҳбарлик лавозимларига чоғлаган кадрларни қандай тарбиялаб борасиз?

З. СОБИРОВ. Бу энг жиддий проблемалардан бири. Дарҳақиқат, ёш ҳам ўтиб боряпти. Иш стажимиз ҳам кўпайиб қолди. Куч-қувват ҳам аввалгидай эмас. Шунинг учун кейинги пайтларда шу колхозга раҳбар бўлиб қоладиган ёшларни кўз остига ола бошладим. Активларимиз ичида ишчан, ғайратли, уддабурон кишилар кам эмас.

Пахтачилик институтини тамомлаган ёшлардан иккитаси колхоздан чиқиб кетган экан. Шуларнинг биттасини мажбур қилиб колхозга олиб келдик, устахона мудирлигига тайинладик. Яна биттасини РТСнинг бизнинг колхозимизга хизмат қиладиган инженерлик вазифасига тортдик. Булардан ташқари яна иккита ўрта махсус маълумотли ишчан мутахассисларни ишга олдик: бири — зоотехник, иккинчиси агроном. Уларни ҳам синаб кўрмоқчимиз.

Шундай қилиб, партия ташкилоти билан ҳамкорликда ишчан кадрлардан мустаҳкам резерв тайёрламоқдамиз. Раҳбардан эса, эл-юрт барчадан кўра кўпроқ ишчанлик ва ташаббускорлик, ҳалоллик ва маънавий поклик талаб қилади. Шу жиҳатдан раҳбарлик вазифаси, у қайси звенода бўлмасин, икки ҳисса масъулият ва икки ҳисса жавобгарлик демакдир.

Рустам РАҲМОНОВ,

КИМ АЙБДОР?

НОТАРИУС МУЛОҲАЗАЛАРИ

Давлат нотариал идоралари ташкилотлар, муассасалар, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, юридик ҳужжатларни тасдиқлашга даъват этилган. Нотариал идораларни ҳамиша гавжум деса бўлади. Ишчилар ва хизматчилар, зиёлилар, кўп болали оналар, ёз вақтларида эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун келган ёшлар турли ҳужжатларнинг нусхаларини тасдиқлаш учун бизнинг ҳузуримизга келишади.

Бироқ нотариус ҳузурига келганларнинг баъзилари ранжиб чиқиб кетадилар. Бунда албатта биз нотариусларнинг айбимиз йўқ. Чунки, нотўғри тўлдирилган ёки тасдиқланмаган ҳужжатларнинг нусхасини тасдиқлашга ҳаққимиз йўқ. Бундай ҳужжат билан келган кишиларни қайтариб юборишга мажбурмиз. Улар яна қанчадан-қанча вақтларини кетказиб, ҳужжатларни тўғрилаб келишлари лозим бўлади.

Ҳужжатларни тўғри тўлдириш ва тасдиқлаш зарурлиги ҳақида нотариал идораларнинг ходимлари матбуотда, телевидение ва радио орқали кўп марта чиқиш қилишди. Шунга қарамай, нотўғри тўлдирилган ҳужжатлардан нусха кўчириш ва тасдиқлашни сўраб нотариал идораларга келаётганлар камаймаяпти. Айниқса, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд областларидан келган кишиларнинг қўлларидаги ҳужжатларида камчиликлар қўпроқ аниқланмоқда. Уларда асосан исм ва фамилиялар нотўғри ёзилади. Меҳнат дафтарчаларига колхоз правлениесининг раиси, бухгалтер қўл қўймаган бўлади. Баъзан эса муҳр босиб тасдиқланмаган меҳнат дафтарчалари ҳам кўрсатилади.

Яқинда Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги Охунбобоев номли колхоздан келган Қурбонбой Бердибоевнинг илтимосини рад этишга мажбур бўлдик. Унинг меҳнат дафтарчасига колхоз правлениесининг муҳри босилган бўлса ҳам, аниқ эмас, ҳеч қандай ҳарф ёки сўзни ўқиб бўлмайди. Хоразм область Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхоздан Ҳайитбой Матназаровнинг меҳнат дафтарчасига думалоқ муҳр босилмаган. Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхозидан Нурхон Маллаевнинг қўлидаги ҳужжатда фамилияси нотўғри ёзилган ва сўнгра тузатилган. Лекин тузатилганлиги тўғри эканлиги тасдиқлаб қўйилмаган. Бундай камчиликлар кўп учрамоқда.

Кишиларни сарсон қилмаслик, уларнинг вақтларини беҳуда сарфламаслик учун ҳамма жойда ҳужжатларни тўғри тўлдиришга эътиборни кучайтирмоқ керак. Шуни ҳам айтиш керакки, кишиларнинг ўзлари ҳам ўша жойнинг ўзида ҳужжат қандай тўлдирилганлиги ва муҳрнинг тўғри босилишини текшириб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ф. ҒАФФОРОВА,
Тошкент шаҳар Октябрь район нотариал идорасининг мудири.

ТЎҚУВЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС XXV съезди арафасида республикамизнинг ўн донгдор ишчиси бир беш йилликда икки беш йиллик мартани эгаллаш ташаббуси билан чиққан эди. Ташаббускорлардан бири — «Малина» трикотаж бирлашмасининг илғор тўқувчиси Шоира Холмуҳамедова зафар устига зафар қучмоқда.

У нормадаги иккита ўрнига тўртта машинага хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш жараёнларига кетаётган вақтни қисқартириш ҳисобига кунлик нормани 10-15 процент ошириб бажаришга эришмоқда. Шу сабабли Шоира Холмуҳамедова 11 ноябрда 1977 йил планини ҳам бажарганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекишга муваффақ бўлди. Ўз тўқув станогида 22 минг 566,7 килограмм трикотаж газламаси тайёрлади.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларидан руҳланган илғор тўқувчи ўз зиммасига яна оширилган мажбурият олди. У йил охиригача икки минг 900 килограмм олий сифатли трикотаж маҳсулоти етказиб беришга аҳд қилди.

М. МИРРАЖАБОВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Дилором**, 25/XI да **Концерт**, 27/XI да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Кўрмайин босдим тиконни**, 25/XI да **Парвона**, 26/XI да **Келинлар кўзголони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да **Олифта**, 26/XI да **Қўлга тушмаган ўғрими**, 27/XI да **Туркман қизи**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 24, 25/XI да **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эмиль КИО** раҳбарлигидаги **йирик иллюзион ревю гастроллари** (19.30).

Кино

Зорро — «ВОСТОК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «МОСКВА» (11, 12.30, 16, 18.30, 20.45), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Биография факти — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (якуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

●

ЎРТА ОСИЕ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ
ВПО-3000 машинаси машинистларини тайёрлайдиган 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларни тугатганлар БАМ, СИБИРЬ, ҚОЗОҒИСТОН ва ЎРТА ОСИЕ темир йўл қурилишларида ишлаш учун ишга юборилади.

КУРСЛАРГА КАМИДА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади. Ҳар ойда 76 сўм ҳажмида стипендия берилади. Техника мактаби қошида ётоқхона бор.

Курсларга кирувчилар: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ва медицина карточкасини топширадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ТЕХНИКА МАКТАБИДА 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе районн, Глинка кўчаси, 11-уй.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

энзимология лабораториясига — **катта илмий ходим;**

лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: биофизика, гормонлар биохимияси, энзимология (2 ўрин), биологик мембраналарнинг структура тузилиши.

КОНКУРС МУДДАТИ —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

●

«УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»нинг МАРҒИЛОН РЕМОНТ ЗАВОДИ **ҲАММА КОРХОНАЛАРДАН «ГАЗ-69» АВТОМАШИНАЛАРИНИ КАПИТАЛ РЕМОНТГА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА**

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 713767, Фарғона область, Охунбобоев районн, Қорақўшчи қишлоқ совети.

●

120-КУЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАГА
(Иркутск области, Магистральний посёлкаси)
ғишт терувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, 1,4 коэффициент ва ишнинг кўчма характери учун 20 процент қўшимча ҳақ тўланади.

ЕЛГИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ, ОИЛАЛИЛАР ЭСА 2 ЙИЛ ИЧИДА КВАРТИРА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 235-уй, 23-қурилиш трести, кадрлар бўлими.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Концерт. 11.00 — А. Вампилов. «Чулимскда ўтган йили ёзда» (фильм-спектакль). 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Г. Абашидзе ижоди. 16.40 — Фан оламида. 17.10 — Буюк жасорат (бадиий фильм 1-серия). 18.15 — Горичилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Комсомол қўшиғи. 19.45 — «Спортлото» тиражи. 19.55 — Ерга таъзим қиламан. 20.40 — **Неретвадаги жанг** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 Ҳужжатли фильм. 23.25 — Концерт.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Химия. 13.00 — Партия номзоди (телеспектакль). 18.30 — Мультфильм. 18.35 — Қизил галстук. 19.05 — Миллионлар ленинча университети. 19.25 — Қорақалпоғистон АССРда Бошқирдистон АССР адабиёти ва санъати кунлари. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Тинчлик жарчиси. 20.40 — Узбекистон ССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.55 — **«Ахборот»**. 21.15 Тоза қалб узра. 22.00 — **«Вақт»**. (Москва). 22.30 — Ноз-неъмат бунёдкори. 22.50 — **Раис** (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Француз тили. 19.35 — Реклама. 19.50 — Ўқитувчи экрани. 20.20 — Янги урф-одатлар— турмушга. 20.50 — Тошкент янгиликлари. 21.05 —Олий математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада қўшиқлари. 9.30— Наманган область театри артистларининг концерти. 11.15— **Узбекистон ССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар.** 11.30 — Ф. Содиқов, Т. Тошматов. «Янги Тошкент». Вокал сюита. 12.10 — **Узбекистан индустриальний.** 13.30 — Бутуниттифоқ радиоси халқ чолғу оркестри ва Л. Зикина концерти. 16.10 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 18.30 — **Спорт эшитиришн.** 19.00 — Москва. **«Миллионлар ленинча университети».** 19.20 — «Ёш овозлар». 20.20 — Талабларигизни бажо келтирамиз. 21.00 — Узбек кинофильмларидан куйлар. 22.00 — **Қишлоқ меҳнатчилари учун концерт.** 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — **Шеърият кечаси.** Шуҳрат ва В. Саъдулла шеърлари. 23.15 — Кечки концерт.

Об-ҳаво

Бугун кундузи республикамизнинг ҳамма районларида ҳаво бироз булутли бўлади. Жануби-шарқ томондан секундига 3-10, Бекободда 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 15-20, жанубда 25 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади. Шарқ томондан 3-7 метр тезликда шамол эсади. Кундузи 18-20, кечаси 2-4 даража иссиқ бўлади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ва ишлар бошқармаси партия ва касаба союз ташкилотлари Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари П. Н. Синекоповга онаси

Ефросинья Васильевна СИНЕКОПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР — Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 02750. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 275.